

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Тошкент шаҳри

2026 йил 27 март

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг судьяси Ф.Рахимовнинг раислигида, А.Юлдашевнинг котиблигида, даъвогар “JIZZAX PRINT” масъулияти чекланган жамиятининг таъсисчиси У.Норқўзиевнинг жавобгар “JIZZAX PRINT” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси Қ.Мирқосимовга нисбатан берилган даъво аризаси юзасидан қўзғатилган иқтисодий ишни даъвогар У.Норқўзиевнинг иштирокида, Тошкент туманлараро иқтисодий суди биносида ўтказилган очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### аниқлади:

Даъвогар “JIZZAX PRINT” масъулияти чекланган жамиятининг устав фондининг 58,56% улушга эга таъсисчиси У.Норқўзиев (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар “JIZZAX PRINT” масъулияти чекланган жамиятининг устав фондининг 0,00038% улушга эга таъсисчиси Қ.Мирқосимов (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)ни таъсисчилар сафидан чиқаришни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар даъвони тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Бугунги суд мажлисида жавобгар иштирок этмади ҳамда даъво талаблари юзасидан ўз эътирозларини билдирмади. Жавобгарга суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисидаги суднинг ажрими уларнинг судга маълум бўлган охирги почта манзилларига юборилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 128-моддасининг биринчи қисмига кўра, агар суд иқтисодий суд ишларини юритиш иштирокчиси ўзига юборилган ажримнинг кўчирма нусхасини олганлиги ёки ушбу Кодекда назарда тутилган бошқа усулда хабардор қилинганлиги тўғрисида суд мажлиси бошлангунига қадар маълумотларга эга бўлса, ушбу иштирокчи тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланади.

ИПКнинг 170-моддаси учинчи қисмига асосан иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Мазкур ҳолатда, суд ИПКнинг 128 ва 170-моддаларига асосан ишни жавобгар иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топади.

Ишда иштирок этувчи даъвогарнинг тушунтиришлари, важлари ва эътирозларини тинглаб, ишдаги мавжуд ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо бериб, суд қуйидаги асосларга кўра даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни, ишни

кўриш билан боғлиқ суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига асосан ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли. Ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда ҳолис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланади.

Ишдаги мавжуд ҳужжатлардан кўринишича, “JIZZAX PRINT” МЧЖ 1995 йилда ташкил этилган. Мирзачўл туман Давлат хизматлари маркази томонидан “JIZZAX PRINT” масъулияти чекланган жамияти (стир: 201000294)нинг таъсис ҳужжатлари (Устави) 21.09.2022 йилда 0322-сон реестр рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Ушбу Уставга кўра “JIZZAX PRINT” масъулияти чекланган жамиятининг таъсисчилари: фуқаро Норқўзиев Урал Шератовичнинг улуши 355.085.800 сўм ёки 58,56 фоиз, Норқўзиева Матлуба Джурабоевнанинг улуши 138.071.000 сўм ёки 22,8 фоиз, Шератов Жавлон Ўрол ўғлининг улуши 112.747.200 сўм ёки 18,6 фоиз, Жўраев Неъмат Ахмедовичнинг улуши 134.000 сўм ёки 0,025 фоиз, Махсудова Мўътабар Ёқубжоновнанинг улуши 77.000 сўм ёки 0,015 фоиз, Мирқосимов Қобилжон Сидихановичнинг улуши 5.250 сўм ёки 0,00038 фоизни ташкил қилади.

“JIZZAX PRINT” МЧЖ таъсисчиларининг 2025 йил 5 декабрдаги йиғилишда жавобгарни таъсисчилар сафидан чиқариш ҳақида қарорлар қабул қилинган.

Охирги 4 йиллик йиғилишларда таъсисчи Мирқосимов Қобилжон Сидиханович иштирок этмаган.

“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) 8-моддасининг иккинчи қисмига кўра, жами улушлари жамият устав фондининг (устав капиталининг) камида ўн фоизини ташкил этадиган жамият иштирокчилари ўз мажбуриятларини қўпол бузаётган ёхуд ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётган иштирокчини жамиятдан суд тартибида чиқарилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2016 йил 28 октябрдаги пқ-2646-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 9 февралдаги 66-сонли Қарорининг 1-илоvasи ҳисобланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 6-бобининг 40-бандига кўра, таъсис ҳужжатлари барча иштирокчилар томонидан имзоланмаганда, акциядорлик жамиятлари бундан мустасно, давлат рўйхатидан ўтказишни, қайта рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун асос бўлади.

Ҳозирда Фуқаро Мирқосимов Қобилжон Сидиханович ўзининг яшаш жойи ёки у билан боғланиш учун зарур бўлган маълумотлар ҳақида жамиятни

хабардор қилмасликка қаратилган ҳаракатсизликлари билан жамиятнинг фаолият кўрсатишини жиддий тарзда қийинлаштирган.

Бундан кўринади-ки, “JZZAX PRINT” масъулияти чекланган жамиятини Уставига ўзгартириш киритган ҳолда, яъни Мирқосимов Қобилжон Сидихановични таъсисчилар сафидан чиқарган ҳолда қайта давлат рўйхатдан ўтказиш лозим бўлади.

МЧЖ томонидан Мирзачўл туман адлия бўлими Давлат хизматлари марказига юборилган хатга 2026 йил 3 февралда 38-б/1-сонли жавоб хати берилиб таъсисчилар рўйхатига ўзгартириш киритиш масаласида судга мурожаат қилиниши тушунтирилган.

Шу сабабли, даъвогар томонидан жавобгарни МЧЖ таъсисчилари сафидан чиқариш ҳақида даъво аризаси билан судга мурожаат қилинган.

Юқоридаги ҳолатлар жавобгарнинг ҳаракатлари жамиятнинг нормал фаолият юритишига имкон бермаётганини ҳамда унинг жамиятда қолиши мумкин эмаслигини тасдиқлайди.

Шу сабабли суд жавобгар таъсисчининг топилмаётгани, унинг бирон чет давлатига кетганлиги ёки вафот этганлиги уни жамият таъсисчилар сафидан чиқармаслик учун асос бўлмайди деб ҳисоблайди.

Жамият Уставининг 16.2-бандида жами улушлари жамият устав фондининг камида ўн фоизини ташкил этадиган жамият иштирокчилари ўз мажбуриятларини кўпол бузаётган ёхуд ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётган иштирокчини жамиятдан суд тартибида чиқарилишига ҳақлидирлар деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг «Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида» 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарори 19-бандининг иккинчи хатбошисида судлар иштирокчини жамиятдан чиқариш тоифасидаги ишларни кўришда жавобгар ўз мажбуриятларини кўпол бузаётганлиги, ёхуд ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётганлиги ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётганлиги ҳолатлари мавжудлигини аниқлашлари лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Мазкур ҳуқуқ нормасидан ҳамда суд мажлисида иштирокчиларнинг кўрсатувларидан келиб чиқиб, суд жавобгар таъсисчи сифатида ўз мажбуриятини бажарилмаганлиги ҳолати ишдаги ҳужжатлар билан тўлиқ ўз иботини топганлигини инобатга олиб, даъво талабини қаноатлантиришни лозим топади.

ИПКнинг 118-модда биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Суд даъвогарнинг суд харажатларини ўз зиммасида қолдириш ҳақидаги аризасини муҳокама қилиб, давлат божи ва почта харажатларини даъвогар зиммасида қолдиришни ва тўланганлигини инобатга олишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, ИПКнинг 118, 176-179, 186-моддаларига асосланиб, суд

**қ а р о р қ и л а д и:**

Даъво аризаси қаноатлантирилсин.

Жавобгар Мирқосимов Қобилжон Сидиханович “JIZZAX PRINT” МЧЖ таъсисчилари сафидан чиқарилсин.

Жавобгарга тегишли 0,00038 фоиз улуш қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилсин.

Жамият таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

Жавобгар Мирқосимов Қобилжон Сидиханович ҳисобидан даъвогар Норқўзиев Урал Шератовичнинг фойдасига олдиндан тўланган 4.120.000 сўм давлат божи ва 41.200 сўм почта харажати ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ижро варақаси берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози бўлган тараф бир ой муддат ичида шу суд орқали апелляция шикояти (протести), ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан олти ой ичида кассация шикояти (протести) бериши мумкин.

**Раислик қилувчи**



**Ф.Рахимов**